



“LEGAL FOUNDATIONS OF FORENSIC EXPERT ACTIVITY AND ACTUAL ISSUES OF ITS IMPROVEMENT”

Nuritdinov Jamshidkhan Mamutkhanovich

Independent Researcher, Tashkent State University of Law

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18091597>

ARTICLE INFO

Received: 22nd December 2025

Accepted: 28th December 2025

Online: 29th December 2025

KEYWORDS

Forensic expert activity, forensic examination, expert conclusion, procedural status, evidence, criminal procedural legislation.

ABSTRACT

This article analyzes the legal foundations of forensic expert activity in the Republic of Uzbekistan, the national legislation regulating this field, and the current priority directions for its improvement. Forensic examination plays an important role in ensuring justice in criminal, civil, economic, and administrative cases, in adopting procedural decisions, and in assessing the reliability of evidence. The article examines the provisions of the Law of the Republic of Uzbekistan “On Forensic Examination,” the Criminal Procedure Code, the Civil Procedure Code, the Economic Procedure Code, as well as sectoral regulatory legal acts, and highlights problems arising in their practical implementation. In particular, the procedural status of the expert, their rights and obligations, the legal nature of the expert conclusion as evidence, and the existing mechanisms for appointing and conducting forensic examinations are scientifically substantiated.

“СУД ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

Нуриддинов Жамшидхон Мамутхонович

ТДЮУ мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18091597>

ARTICLE INFO

Received: 22nd December 2025

Accepted: 28th December 2025

Online: 29th December 2025

KEYWORDS

Суд экспертлик фаолияти, суд экспертизаси, эксперт хулосаси, процессуал мақом, далиллар, жинойт-процессуал қонунчилиги.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида суд экспертлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уни тартибга солувчи миллий қонунчилик нормалари ҳамда ушбу соҳани такомиллаштиришнинг долзарб йўналишлари таҳлил қилинади. Суд экспертизаси жинойт, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича одил судловни таъминлашда, процессуал қарорлар қабул қилишда, далилларнинг ишончилигини баҳолашда муҳим ўрин



эгаллайди. Мақолада “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекс ҳамда соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари таҳлил қилиниб, уларнинг амалиётга татбиқ этилишидаги муаммолар ёритилади. Хусусан, экспертнинг процессуал мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эксперт хулосасининг далил сифатидаги ҳуқуқий табиати, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартибининг амалдаги механизмлари илмий жиҳатдан асосланади.

Кириш

Бугунги глобал тараққиёт ва тез суръатларда ривожланаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар шароитида суд экспертлик фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг ажралмас ва устувор йўналишларидан бири сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон амалиёти шундан далолат берадики, жиноят ва фуқаролик ишларини одилона, холис ва қонуний ҳал этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишда суд экспертлари томонидан амалга ошириладиган илмий-техник тадқиқотлар юксак самара беради. Суд-тергов фаолиятида объектив далилларни шакллантириш, уларнинг ишончли ва асосли эканлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг умумий маданиятини юксалтириш кўп жиҳатдан суд экспертизаси институтлари фаолиятига боғлиқдир.

Замонавий фан ва техника ютуқлари суд экспертизасининг методологик асосларини бойитиш, тадқиқот усулларини такомиллаштириш, янги турдаги экспертизаларни жорий этиш имконини бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, жиноятни аниқлаш ва фош этиш, унинг механизмларини илмий асосда тиклаш, шахснинг содир этилган қилмишга алоқадорлигини ёки унинг иштирок этмаганини аниқлаш имкониятларини янада кенгайтиради. Шу маънода, суд экспертизаси жиноят процессининг мустақил ва ўзига хос тергов ҳаракати сифатида муҳим процессуал вазибаларни бажаради, унинг натижаси ҳисобланган эксперт хулосаси эса далиллар тизимининг муҳим элементи сифатида баҳоланади.

Экспертиза ўтказиш жараёнининг ҳуқуқий моҳияти, унда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал мақоми, айниқса, экспертнинг марказий фигура сифатидаги ўрни ва мажбуриятлари, эксперт хулосасининг исбот вазифасидаги ўрни ва аҳамиятини тўғри баҳолаш — бугунги кун илмий тадқиқотларида устувор йўналишлардан биридир. Эксперт хулосасини далил сифатида қабул қилиш ва баҳолашда учрайдиган мураккабликлар, унинг процессуал табиати, хулосанинг илмий асосланганлик даражаси, тадқиқот усулларининг ишончилиги ва



объектларнинг техник таҳлилга яроқлилиги каби масалалар ҳуқуқшунослик фанида янада чуқур ўрганишни талаб этмоқда.

Ҳозирги кунда олимлар, экспертлар ва амалиётчилар томонидан суд экспертизаси институтларини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқий база ва ташкилий-амалий механизмларини ривожлантириш, илмий инновациялардан самарали фойдаланиш, экспертнинг процессуал мақоми ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш масалаларига катта қизиқиш билдирилмоқда. Бундай эҳтиёж суд экспертлик фаолиятининг ҳуқуқий муносабатларда тутган ўрни тобора кенгаяётгани, суд-тергов амалиётида илмий-техник далиллардан фойдаланишга бўлган талабнинг ортиб бораётгани билан боғлиқдир.

Шунингдек, миллий қонунчиликни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, эксперт хулосасининг сифатини таъминлаш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва малакани ошириш тизимини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб, ушбу мақоланинг амалий ва назарий аҳамиятини янада оширади.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида суд экспертизаси институтини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши соҳанинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришда муҳим қадам бўлди.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодекс, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодексда экспертизани тайинлаш ва ўтказиш тартиби аниқ белгилаб қўйилган. Амалдаги механизмлар суд экспертлик фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам тартибга солинишига замин яратди.

Шу билан бирга, суд экспертлик фаолиятини такомиллаштириш, замонавий талабларга мос равишда ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва илмий-услубий базани янгилаш каби масалалар ҳануз долзарблигини сақлаб турибди. Шунинг учун ҳам суд экспертлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уни такомиллаштириш йўналишлари илмий жиҳатдан таҳлил қилиш учун долзарб ҳисобаланди.

Бевосита суд экспертизасига келадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунига биноан суд экспертизаси — бу иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар ҳақида махсус илмий, техник, тиббий, иқтисодий ёки бошқа махсус билимлар талаб қилинганда ўтказиладиган процессуал тергов ҳаракати ҳисобланади. Ўзбекистон қонунчилигига кўра, экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши фақат махсус билимлар зарур бўлган ҳолларда амалга оширилади.

“Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунда суд-тергов органларининг эксперт тайинлашдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экспертизани ташкил қилиш, ўтказиш, унинг турлари, экспертизани ўтказувчи муассасаларнинг фаолияти қатъий белгилаб берилган. Қонуннинг асосий мақсади – экспертиза жараёнининг холис, мустақил ва илмий асосланган ҳолда амалга оширилишини таъминлашдир. Экспертнинг процессуал мақоми ҳам қонунчиликда белгиланган. Эксперт – мустақил процессуал шахс бўлиб, у суд-тергов органларига ёрдамчи функция эмас, балки далилларни шакллантиришда муҳим вазифани бажарадиган субъектдир.



Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларида аниқ белгилаб қўйилган.

Суд экспертизасининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, хулоса илмий асосга эга бўлади;

Иккинчидан, махсус билимлардан фойдаланган ҳолда ўтказилади;

Учинчидан, процессуал қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади;

Тўртинчидан, унинг натижалари суд қарорларига бевосита таъсир кўрсатади.

Демак, экспертиза фақат техник ёки лаборатор тадқиқот эмас, балки ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган процессуал ҳаракатдир.

“Суд экспертлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва уни такомиллаштиришнинг долзарб масалаларида “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг аҳамияти ҳақида сўз юритиш жоиз.

Ушбу Қонун суд экспертизасини ташкил этиш, унинг турлари, экспертизани ўтказувчи органлар, экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Ушбу Қонун билан қуйидаги муҳим жиҳатлар белгилаб берилган.

Экспертиза муассасаларининг ҳуқуқий мақоми ва эксперт мустақиллиги кафолатланган. У ҳар қандай босимдан ҳимоя қилинган ва хулосани фақат илмий асосларда тайёрлаши лозим.

Экспертиза тайинлаш шартлари ва асослари аниқ белгиланган. Эксперт хулосасининг ҳуқуқий кучига ойдинлик киритилган. Қонундаги ушбу нормалар суд-тергов органларининг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Гарчи миллий қонунчилигимизда суд экспертизаси институти етарлича тартибга солинган бўлсада, амалиётда бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Биринчидан, экспертизани ўтказишдаги техник ва методик муаммолар.

Айрим экспертиза муассасаларида лаборатория жиҳозлари эскирган, замонавий таҳлил усуллари талаб даражасида эмас. Бу эса:

хулоса сифатининг пастлашишига,

муддатларнинг ортишига сабаб бўлмоқда,

Яна бир муоммо сифатида эксперт кадрлар етишмаслигини таъкидлаш жоиз. Айниқса махсус йўналишларда — киберэкспертиза, ДНК таҳлили, трасология, фоноскопия каби соҳаларда юқори малакали экспертларни кўпайтриш лозим. Бу соҳада қуйидаги масалалар долзарб аҳамиятга эга: зарур малака ошириш курслари кўпайтириш, тажрибали мутахассислар сонини ошириш. Экспертиза тайинлашдаги ортиқча бюрократиядан воз кечиш шулар жумласидандир.

Бугинги кундаги долзарб аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири бу рақамли далиллар билан ишлашдаги муаммолардир. Замонавий жиноятлар кўп ҳолларда рақамли из қолдиради. Аммо, электрон далиллар билан ишлаш бўйича ягона методикалар тўлиқ шаклланмаганлиги, киберэкспертизаларнинг ҳуқуқий мақоми тўлиқ аниқланмаганлиги амалиётда турли талқинларга сабаб бўлмоқда.

Юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш учун бир қатор амалий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.



Биринчидан, экспертиза муассасаларини модернизация қилишни доимий амалга ошириш керак.

Охирги йилларда Президент қарорларига мувофиқ суд экспертларининг ижтимоий муҳофазаси, моддий таъминоти тубдан яхшиланди. Жумладан, Президентимизнинг 2025 йил 8 сентябрдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-270-сон Қарорига асосан суд экспертиза муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун қарийб 25 млн АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

Замонавий лаборатория ускуналари, биометрик ва криминалистик технологиялар билан жиҳозлаш суд экспертизасининг сифатини оширади. Хусусан, ДНК таҳлил лабораториялари, рақамли криминалистика марказлари,

аудио-видео тадқиқот комплекси каби йўналишларни ҳам ривожлантириш долзарбдир.

Кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш тизимини кучайтириш лозим. Бу борада олий таълим ташкилотларида суд экспертизаси йўналишини кенгайтириш, амалиётчи экспертлар учун халқаро стандартлар асосида мавжуд курсларни ташкил этиш, хориж тажрибасини ўрганиш ва татбиқ қилиш таклиф этилади.

Суд экспертизанинг назарияси ва амалиётини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб илмий-тадқиқот ва услубий фаолият самарадорлиги таъминлаш ҳисобланади. Бундай изланишларни ва ходимларнинг илмий салоҳиятни оширмасдан туриб суд экспертиза соҳасида янгиликларни яратиб бўлмайди.

Экспертиза тайинлаш жараёнини рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини қўллаш. “Э-экспертиза” электрон тизимини жорий этиш орқали ҳужжатларни онлайн қабул қилиш, экспертиза ҳолатини кузатиш, натижаларни электрон тарзда тақдим этиш имкони пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд экспертлик фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан етарли даражада тартибга солинган бўлсада, уни такомиллаштиришга оид масалалар долзарблигини сақлаб қолмоқда. Экспертизани илмий-техник жиҳатдан ривожлантириш, эксперт кадрларни тайёрлаш, рақамли технологияларни жорий этиш, халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш соҳанинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Суд экспертлик фаолиятининг такомиллаштирилиши нафақат одил судлов сифатини оширади, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишига, ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш ва фош этилишига хизмат қилади. Шунга кўра, экспертиза соҳасини ривожлантириш ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида стратегик вазифалардан бири ҳисобланади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни/<https://lex.uz/docs/1633102>



2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-786-сон Қонуни/ <https://lex.uz/uz/docs/6140678>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6256-сон Фармони/ <https://lex.uz/docs/5491507>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4125-сон қарори/ <https://lex.uz/docs/4172023>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-270-сон қарори/ <https://lex.uz/uz/docs/7717938>
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 мартдаги “Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 180-сон қарори/ <https://lex.uz/docs/4774077>
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги республика суд-экспертиза марказининг суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 704-сон қарори/ <https://lex.uz/uz/docs/5737131>
8. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 мартдаги “Суд экспертиза соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 706-сон қарори/ <https://lex.uz/uz/docs/5737122>